

# ЎЗАРО ЁРДАМ

05:00 / 28.02.2017 3113

Руҳий ҳаётнинг энг афзал томонларидан бири яхшилик йўлидаги ўзаро ёрдамдир. Бу нарса ижтимоий ҳаётни юқори даражага кўтариш, жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг қайғу-аламларини енгиллатишдан иборатдир. Ҳозирги замон маданияти ўзаро ёрдамни яхши тушунган. Шунинг учун ҳам барча жойларда ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ташкилотлари тузилган. Мана шунинг ўзи ҳам ҳар бир шахс ва ҳар бир жамиятнинг бахтиёр бўлиши учун ўзаро ёрдамнинг зарурлигини кўрсатади.

Қуръон ўзаро ёрдамга катта аҳамият берган. Бунинг қуйидаги оятдан фаҳмлаб олса ҳам бўлади: **«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг»** («Моида» сураси, 2-оят). Қуръон яхшилик ва тақводорлик йўлида ҳамкорлик қилишга буюрмоқда. Яхшилик деганда, бу дунёдаги барча яхшиликларни, ростгўйлик, омонат, тоат-ибодат, сахийлик, шижоат ва ҳақозоларни тушунамиз. Яхшилик сўзи дунёдаги барча фазилатли нарсаларни ўз ичига олади. Тақво эса, Аллоҳдан қўрқиш ва унга итоат қилиб иш олиб боришни анг-латади.

Яхшилик ва тақводорлик йўлидаги ҳамкорлик эса, бу дунёдаги ёки охираб қолган саодатга эргаштирувчи яхши нарсаларнинг йўлидаги ҳамкорликдир. Қуръон ёмонлик ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилишдан қайтармоқда. Ёмонлик деганда биз, қилиниши ҳалол бўлмаган нарсаларни тушунамиз. Бу эса, барча разолатларни ўз ичига олади. Душманчилик эса, ошкора золимликдир. Ҳар бир шахсга ёки жамиятга зарар етказувчи нарса, ёмонлик ва душманчиликдир. Қуръон фақат яхшилик ва тақводорлик йўлида ҳамкорлик қилишга чақириб қолмай, балки ёмонлик ва душманчилик йўлида ҳамкорлик қилишни бекор ҳам қилади. Ислоҳ назариясидаги ҳамкорлик, кишиларга фақат садоат келтириш йўлидаги ҳамкорликдир. Агар инсонлар шу ҳамкорликни амалга оширсалар, ўзлари орзу қилаётган тараққиёт ва бахт-саодатга албатта эришадилар.